

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳуқуқида .
УДК 685.01:338.45:67/68

Абидходжаева Назокатхон Улуғбек қизи

**Енгил саноат корхоналарида маҳсулот турлари ва
ассортиментини бошқариш**

5A230201 - “Менежмент” (тармоқлар ва соҳалар)

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар:
Проф. Н.Қ. Йўлдошев

Тошкент – 2019

Магистрлик диссертациясида енгил саноат корхоналарида маҳсулот турлари ва ассортиментини бошқаришнинг илмий, назарий-услубий асослари ўрганилган. Мавзуга оид назарий ва амалий масалаларни ҳал қилиш натижасида тадқиқот объекти бўлган UZTEX TASHKENT МЧЖ кўшма корхонасида маҳсулот ассортиментини бошқаришни самарадорлигини ошириш бўйича илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

In the master's thesis, the scientific, theoretical and methodological bases of controlling the range and assortment of products at light industry enterprises were studied. As a result of solving the theoretical and practical issues, the scientific and practical recommendations on increasing the efficiency of product assortment management were developed at the joint venture UZTEX TASHKENT, a research object.

Магистрлик диссертация иши “Менежмент” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.

_____ 4 - сонли баённома « 19 » май 2019 й.

Кафедра мудири

Ўтабдуров Н.У.
(и.ш.ф.)

Ўтабдуров Н.У.
имзо сана

Илмий раҳбар:

Ўтабдуров Н.У.
(илмий раҳбар и.ш.ф.)

Ўтабдуров Н.У.
имзо сана

Такризчи:

(такризчи и.ш.ф.)

имзо сана

Магистрант:

Абдуқорриева Н.У.
(магистрант и.ш.ф.)

Абдуқорриева Н.У.
имзо сана

Мундарижа

Кириш	3
I боб. Енгил саноат корхоналарида маҳсулот турлари ва ассортиментини бошқаришнинг назарий асослари	7
1.1. Корхонада маҳсулот ассортиментини бошқариш аҳамияти.....	7
1.2. Маҳсулотларнинг туркумланиши.....	16
1.3. Енгил саноат корхоналарида маҳсулот турлари ва ассортиментини бошқариш стратегиясини танлаш.....	24
I боб бўйича хулоса.....	35
II боб. UZTEX TASHKENT МЧЖ қўшма корхонасининг фаолияти таҳлили	36
2.1. UZTEX TASHKENT МЧЖ қўшма корхонаси ижтимоий-иқтисодий тавсифи.....	32
2.2. UZTEX TASHKENT МЧЖ қўшма корхонаси фаолияти кўрсаткичларининг таҳлили.....	42
2.3. UZTEX TASHKENT МЧЖ қўшма корхонасининг маҳсулот ассортиментини таҳлили.....	49
II боб бўйича хулоса.....	58
III БОБ. UZTEX TASHKENT МЧЖ қўшма корхонасида маҳсулот ассортиментини бошқаришни самарадорлигини ошириш йуллари	59
3.1. UZTEX TASHKENT МЧЖ қўшма корхонасида маҳсулот ассортиментини бошқаришни такомиллаштириш.....	59
3.2. UZTEX TASHKENT МЧЖ қўшма корхонасида маҳсулот турлари ва ассортиментини бошқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари.....	66
III боб бўйича хулоса.....	70
Хулоса ва таклифлар	71
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	74

Кириш

Магистрлик диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Маълумки, бугунги кунда жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви истеъмолчиларнинг кўплаб тури пайдо бўлишига, уларнинг маҳсулот ва хизматлар, маркетинг ва менежмент усулларига бўлган талабларининг ортиб боришига сабаб бўлмоқда.

Аҳолининг талаб ва эҳтиёжлари кескин ўсиб бориши, шунингдек, жаҳон бозорида глобал рақобат кучайиб бораётган бир шароитда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича биринчи навбатда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тури ва сифатини ошириш орқали уларнинг ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини таъминлаш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирги кунда тадбиркорлик субъектлари интеграцияни унинг асосида дастурий таъминот ва ахборот технологиялари ётадиган бир ўйин сифатида қарайдилар. Бошқача қилиб айтганда, ҳозир тадбиркорлик субъектларининг барча савдо нуқталарига ички режалаштириш ўтказиш имконияти пайдо бўлди, бу бир корхонанинг барча савдо нуқталари учун такрорланувчи (бир-бирига ўхшаш, қўшимча бириктиришни талаб қилмайдиган) таъминот занжиридан фойдаланиш имконияти нуқтаи назаридан фойдали ҳисобланади. Ассортиментни бошқариш эътиборни тадбиркорнинг товар захиралари даражасини режалаштириш ва назорат қилишга қаратади. Унинг роли тадбиркорлик субъектининг молиявий эҳтиёжларини товарлар харид қилиш стратегияси билан мувофиқлаштиришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан тасдиқланган Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида ҳам “иқтисодиётни янада ривожлантириш ва либераллаштиришга йўналтирилган макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш,